

Вахта усулидаги ишларда иш вақтининг ҳисоби қандай юритилади

Ишларни вахта усулида ташкил қилишда, одатда, бир ой, бир чорак ёки бошқа узоқ муддатли, лекин 1 йилдан ортиқ бўлмаган давр учун иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш қўлланилади.



Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш кунлик ва ҳафта давомида белгиланган иш вақтининг давомийлигидан четга чиқишга йўл қўйилиши мумкин. Бунда бир кун (ҳафта) қўшимча ишлаб бериш бошқа кун ёки ҳафтада кам ишлаган ҳолда қўллаб берилиши мумкин. Асосийси — ҳисобга олинмаган давр мобайнида иш вақтининг умумий давомийлиги белгиланган меъёрдан ошиб кетмаслиги керак.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш, ҳар бир ходимнинг ҳисобга олинган даврда иш вақтининг давомийлиги нормал иш вақти соатлари сонидан ошиб кетмаслигини назорат қилиш учун юритилади.

Вахта усулидаги ишларда ҳисобга олинмаган давр қуйидаги-

ларни ўз ичига қамраб олади:
 > иш вақтини;
 > ташкилот жойлашган жойдан ёки йиғилиш пунктидан иш жойига-ча етиб олиш ва қайтиш вақтини;
 > вақтининг ушбу календарь оралиқ даврига тўғри келадиган дам олиш вақтини.



Ҳисобга олинмаган давр — бу қонун билан белгиланган иш вақти доирасида нормага риоя қилиниши лозим бўлган вақт оралиги.

Корхона ҳисобга олинмаган даврни ўзи мустақил равишда белгилайди.

У ойга, чоракка ёки 1 йилдан ошмайдиган бошқа даврга тенглаштирилиши мумкин.

Бу даврдаги вақт ичида ходим иш вақтининг нормасини ишлаб бериши лозим. Агар ҳақиқатда у ортиқча ишлаб берса, ортиқча бажаришган иш учун хизмат вақтидан ташқари иш сифатида унга ҳақ тўлаб берилади.



Ҳисобга олинмаган даврдаги иш вақти давомийлигининг муддати қонун ҳужжатларида белгиланган, ҳафтадаги иш соатларининг сонидан ошиб кетмаслиги лозим (МК 115, 123-моддалари).

Ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши керак бўлган нормал иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, айрим тоифадаги ишловчилар, шу жумладан, тўлиқсиз иш кунни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланган ходимлар учун чекловлар мавжуд.

Ҳар бир ходим учун иш вақти ва дам олиш вақтининг ойма-ой ва ҳисобга олинган давр учун ўсиб боровчи якуни бўйича мах-

сус ҳисобини юритиб боринг. Бунинг учун вахтадаги ишларнинг графигини (сменасини) тузинг. Уларни касаба уюшмаси кўмитаси (ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи) билан келишиб корхона раҳбарига тасдиқлатиш ва ходимларга амалга киритилишидан каммида 2 ой олдин етказиш лозим.

Графигида, албатта, ходимларни вахтага етказиш ва қайта олиб келиш учун зарур бўлган кунларни ҳам назарда тутишни унутманг.

МИСОЛ. Сменалар графигини белгилаш

1. Ташкилотда 4 бригадалик сменаларнинг графиги қўлланилиб, унга кўра ишловчилар мунтазам равишда, иш кунларининг маълум санасидан кейин бир сменадан иккинчисига ўтишади. Бунда ҳар бир суткада 3 та бригада, уларнинг ҳар бири — ўз сменасида ишлайди, битта бригада эса дам олади.

- Сменалар графиги қуйидагича:
- > I смена соат 8.00 дан 17.00 гача (8 соат иш ва 1 соат танаффус билан) ишлайди;
 - > II смена соат 17.00 дан 1.00 гача (7 соат иш ва 1 соат танаффус билан) ишлайди;
 - > III смена соат 1.00 дан 8.00 гача (6 соат иш ва 1 соат танаффус билан) ишлайди.

Ишловчиларнинг сменалар оралигида вақти-вақти билан дам олишларини таъминлаш мақсадида иш қуйидагича ташкил этилади:

Бригада-лар	1-смена	2-смена	3-смена	1-смена	2-смена	3-смена	1-смена	2-смена	3-смена
	1 сутка			2 сутка			3 сутка		
1	+				+				+
2		+				+			Дам олиш
3			+			Дам олиш		+	
4	Дам олиш			+				+	

2. Корхона 12 соатлик иш графигини қўллаётди ва бригадаларнинг иш тартиби қуйидагича ташкил этилади:

- > биринчи суткада — эрталабдан бошлаб кечгача 1-сон бригада (ёки 1-сон ишчи) ишлайди, кечқурундан бошлаб эрталабгача — 2-сон бригада (2-сон ишчи);
- > иккинчи суткада — эрталабдан бошлаб кечгача 3-сон бригада (ёки 3-сон ишчи) ишлайди, кечқурундан бошлаб эрталабгача — 1-сон бригада (1-сон ишчи);

> учинчи суткада — эрталабдан бошлаб кечгача — 4-сон бригада (ёки 4-сон ишчи), кечқурундан бошлаб эрталабгача — 3-сон бригада (3-сон ишчи).

Ҳар бир бригада биринчи суткада — кундузи, иккинчисида — кечаси ишлайди. Ва кейинги кундуз кундаги сменасига қадар — у икки сутка дам олади.

Бригадалар (ишловчилар)	1	2	3	4
ойнинг 1-санаси	8.00 дан 20.00 гача	20.00 дан 8.00 гача		
ойнинг 2-санаси	20.00 дан 8.00 гача		8.00 дан 20.00 гача	
ойнинг 3-санаси			20.00 дан 8.00 гача	8.00 дан 20.00 гача
ойнинг 4-санаси		8.00 дан 20.00 гача		20.00 дан 8.00 гача
ойнинг 5-санаси	8.00 дан 20.00 гача	20.00 дан 8.00 гача		
ойнинг 6-санаси			8.00 дан 20.00 гача	
ва ҳ.к.				

Ҳисобга олинмаган давр мобайнида ходим ишлаб берадиган соатларнинг нормал миқдорини 5 кунлик иш ҳафтаси ва 8 соатлик иш сменаси ҳамда байрам арафасидаги 7 соатлик иш сменасидан келиб чиққан ҳолда белгиланг.

Бунда, ноқулай меҳнат шaroитларида бажариладиган ишларда иш вақтининг нормаси қонун ҳужжатларида белгиланган

қисқартирилган иш кунидан келиб чиқиб ҳисобланади. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати ВМнинг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (11.03.1997 й. 133-сон) 8-иловада тасдиқланган.

МИСОЛ. Вахтадаги иш вақти муддатининг аниқлиниши

Ҳафтада 5 кунлик иш кунларининг сони июнь ойида 22 иш кунни ва 8 дам олиш кунидан иборат. Байрамларда ишланадиган иш кунлари мавжуд эмас. Ҳисобга олинмаган ушбу давр учун ходим ишлаб берадиган нормал соатлар сони 176 соатни (22 x 8) ташкил этади.

Ушбу соатлардан келиб чиқиб, ҳисобга олинмаган давр учун ташкилот томонидан вахтада иш вақтининг меъёри (нормал) муддати ҳам аниқланади.



Кундалик иш вақтининг муддати 12 соатдан ортиб кетмаслиги керак, тушулук вақтидаги танаффусларни ҳисобга олган ҳолда кундалик дам олиш вақтининг давомийлиги эса 12 соатдан кам бўлмаслиги лозим. Ҳисобга олинмаган даврда ёки вахтада иш вақти тўлиқ бўлмаган ҳолда (меҳнат таътили, касаллик туфайли ишга чиқмаслик ва бошқалар) норма бўйича белгиланган иш соатларидан ишда бўлмаган кунларга тўғри келадиган календарь бўйича иш соатларини айириб ташланг.

Агар ишлаб чиқариш зарурияти сабабли ҳар кунги дам олиш вақти қисқарадиган бўлса, тўлиқ фойдаланилмаган ҳар кунлик дам олиш соатлари ва ҳар ҳафталик дам олиш кунларини жамланг ва уларни ҳисобга олинган давр давомида ходимларга қўшимча дам олиш кунлари (вах-

талараро дам олиш кунлари) шаклида тақдим этинг.

Ҳисобга олинган давр якунла-нишидан олдин ишдан бўшаган ходимлар учун ишдан бўшаш санаси, уларнинг розилиги билан вахталараро дам олиш кунларини ҳисобга олиб кўрсатилиши мумкин.



Иш сменасининг муддати 12 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Агар иш сменаси 12 соатни ташкил этадиган бўлса, яна ишлаш мумкин эмас.

Соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақтдаги иш тунги вақтдаги иш деб ҳисобланади ва унинг ҳар соати учун 1,5 баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Ҳисобга олинмаган давр 1 ойдан ортиқ бўлса, ўтган ой учун тўловни — ҳақиқатда ишлаган вақти учун, иш вақтидан ташқари ишлаган вақти учун эса — ҳисобга олинмаган даврнинг якунида амалга оширинг. Иш вақтидан ташқари ишнинг максимал муддати (давомийлиги) — йилига 120 соат (МК 122, 124, 125, 158-моддалари).

Баҳодир Бойқобилов, МВ бўлим бошлиғи, Олег Цой, «Норма» МЧЖ эксперти.

СТАТИСТИКА

Хоразм вилояти: чакана савдо товар айланмаси рақамларда

Жамият ҳаёти учун зарур маҳсулотларга бўлган талабни қондириш ҳар қандай давлат учун муҳим масала бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, чакана савдо соҳасининг ривожланганлик даражасини ҳам белгилайди.

Чакана савдо аҳолига тўғридан-тўғри товар сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини ўз ичига олади. Статистик ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йилнинг саккиз ойлик якунида Хоразм вилоятининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми 7 748,4 млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2021 йилнинг шу даврига нисбатан савдо ҳажмининг 13,2 фоизга ошганини кўрсатмоқда ва ўсиш суръатлари вилоятнинг барча ҳудудларида кузатилади.

Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси ўртача 4 013,9 минг сўм даражасида қайд этилди.

Узининг иқтисодий даражаси узғаришларга тез мослашувчан хусусияти билан ажралиб турадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бошқа соҳалар қатори чакана савдодаги фаоллиги яққол кўзга ташланади. Хусусан, ҳисобот даврида улар томонидан 6 220,7 млрд сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди. Вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 80,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, ҳудудлар кесимида Тупроққалъа (99,9 фоиз), Гурлан (99,3 фоиз) ва Янгиариқ (99,1 фоиз) туманларида бу кўрсаткич юқори бўлди.

Шу ўринда йirik корхоналар товар айланмасининг 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 74,7 фоизга ўсиши кузатилиб, умумий ҳажми 1 527,7 млрд сўмга тенг бўлди.

Хоразм вилояти статистика бошқармаси Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

